



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-йил, 10-декабр. Shanba • 148 (32.207)

ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!

Америка Қўшма Штатлари номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мамлакатимиз мустақилликка эришган, яъни 25 йил аввал бошланган. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга доир сиёсатимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Сизнинг Президент этиб сайланишингиз Ўзбекистон учун муҳим даврни бошлаб берди. Сизнинг минтақада ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда халқаро муносабатларда мувозанатни сақлашга қаратаётган алоҳида эътиборингизни қўллаб-қувватлайман. Шунингдек, Президент вазифасини бажарувчи сифатида муҳим соҳаларда, шу жумладан, иқтисодиёт ва қонун устуворлиги соҳаларида Сиз бошлаган ишларни катта мамнуният билан қайд этаман.

Ҳукуматингиз билан ўрнатилган ҳамкорлиқни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз ҳамда ушбу алоқаларни янада чуқурлаштириш учун янги имкониятларни ишга солишимиз. Ўзаро умумий манфаатларимизни ҳисобга олиб, мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида бир-галликдаги ишларимизни давом эттирамиз, деган умиддаман.

Самимият билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан табриклайман. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловни юксак даражада, Конституцияга мувофиқ ташкил этган Ўзбекистон халқи тахсинга лойиқ.

Менинг ваколатларим ўз яқини етаетгани муносабати билан, фурсатдан фойдаланиб, иқлим ўзгариши, ядровий қуролсизланиш ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш каби қатор масалаларда БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларимизни мамнуният билан эслайман.

Сизга Ўзбекистоннинг келгуси сиёсий ва ижтимоий тараққиётида давлат раҳбари сифатида улкан муваффақиятлар тилайман. Ишонтириб айтганим, жаноб Антониу Гутерреш бошчилигида БМТ, шу жумладан, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ Ўзбекистон ҳукумати ва халқи билан ҳамкорлиқни давом эттиради.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан Сизни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ғалабанингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида самарали, узоқ муддатли дўстлик ва ҳамкорлик ришталари ўрнатилган бўлиб, кейинги йилларда улар янада мустаҳкамланиши ва янги босқичга кўтарилди. Ишонганим, ўзаро манфаатли алоқаларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверади. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Пранаб МУКЕРЖИ,
Ҳиндистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз ва халқингиз қўллаб-қувватлагани билан самимий табригимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт ва фаровонлик йўлини давом эттиришига ишонаман. Сиз кўп йиллар мамлакатнинг Бош вазирлиги сифатида самарали фаолият кўрсатдингиз.

1992 йил Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён дўстона муносабатларимиз мунтазам ривожланиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга. Яқинда барпо этилган Сурғил газ-кимё мажмуаси каби муваффақиятли лойиҳаларимиз ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янада кенгайишига ишонаман.

Келгуси йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги ва кореяликнинг Марказий Осиёга қўйишнинг 80 йиллигини нishолаймиз, дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик муносабатларимиз янада чуқурлашишига умид қиламан. Сиз, Жаноби Олийларига сўхат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасига абадий фаровонлик тилайман.

Пак Кин ХЕ,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, хавфсизлик ва айниқса, иқтисодий соҳада ҳамкорлик нуктаи назаридан, Чехия Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим шерикларидан бири, деб биламан. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлиқнинг ўсиш суръатлари изчил давом этмоқда. Аммо ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларида мавжуд имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаган деган фикримга қўшилсиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Сизнинг барча даражада, жумладан, олий даражадаги сиёсий мулоқотни жадаллаштириш зарурлиги тўғрисидаги сўзларингизни маъқуллайман ва тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бу Чехия билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сиз, Жаноби Олийларини ўзингизга қулай вақтда Чехия Республикасига таширф билан келишга таклиф этаман. Чехия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги аънавий самимий муносабатлар бундан буён ҳам дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат руҳида янада ривожланишига ишонаман. Прагада бўладиган учрашувимиз Чехия ва Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатларини янада чуқурлаштириш имконини беришига ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Милош ЗЕМАН,
Чехия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклаш ва ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар келажақда янада мустаҳкамланиши ва кўп томонлама ҳамкорлигимиз кенгайишига ишонаман.

Мухтарам Президент Жаноблари! Сизнинг масъулиятли фаолиятингизда мустаҳкам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига янада фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Янош АДЕР,
Венгрия Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сингапур халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Сиз, Жаноби Олийларининг ушбу лавозимга сайланганингиз Ўзбекистон халқининг Сизга моҳир ва доно Президент сифатида ишончининг ифодасидир. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда тараққиёт йўлини дадил давом эттиришига ишонаман.

Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида самимий муносабатлар йўлга қўйилган ва мамлакатларимиз турли халқаро форумлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Сиз билан ҳамкорликда ишлаш имкониятини сабрсизлик билан кутиб қоламиз.

Масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Самимият билан,

Тони Тан Кенг ЯМ,
Сингапур Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Жаноби Олийлари!

Мен ва рафиқам Сиз, Жаноби Олийларини Президент сайловида ғалаба қозонганингиз ва халқингизнинг юксак ишончига сазовор бўлганингиз билан самимий табриклайман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига абадий тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак ҳурматимизни қабул қилгайсиз.

Ал-Мутасим Султон Бадлишоҳ Янг ди-Пертуан АГОНГ XIV,
Малайзия Қироли

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович!

Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табригимни йўллайман.

Ўзбекистон халқи мамлакатни барқарорлаштириш ва ривожлантириш борасида эришяётган ютуқларни ҳар доим қизқиш билан кузатиб борамиз ва қувонамиз. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон халқининг манфаати, минтақада тинчлик ва фаровонлик йўлида барқарор изчил ривожланишни давом эттиришига аминман.

Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасидаги аънавий дўстлик муносабатлари ва серкира ҳамкорлиқнинг янада мустаҳкамланиши халқларимизнинг умумий манфаати ва истакларига хизмат қилишига ишонаман.

Ҳурматли Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Чан Дай КУАНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси — **Валентина Матвиенко**
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири — **Сайф бин Зайд Ол Нахрэн**
БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори — **Жозе Грациану да Силва**
Европа парламенти депутаты — **Ивета Григуле**
Европа парламенти депутаты — **Андрей Мамакин**
«МАХАМ» компанияси раиси ва бош директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хуно**
Испания саноат жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси бош директори — **Хуан Рамон Дуран Пабло**
Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

■ 10 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



— Шохсупада турибману, ўзимга айтаман: «Бўлди, ўзингни қўлга ол, Олимпиада ёпилишига бир соат қолди, ҳозир Ўзбекистонда ярим тун, лекин оилам, маҳалладошларим, бутун халқимиз менинг ғалабамни байрам қилмоқда, балки дунёда юз миллионлаб одамлар мени кузатиб тургандир». Мадҳиямиз янграши билан бирдан титрай бошладим...

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

2016 йил 9 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари қўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларимиз ўзининг юксак сиёсий ва фуқаролик позициясини ҳамда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намойиш этиб, овоз беришда фаол иштирок этганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-, 9-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида» қонунининг 14-, 35-, 36-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» қонунининг 5-, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Шавкат Мирмонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайлагани, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисида сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида» қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаган ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тамойилларига риоя қилган ҳолда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини 5 халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси ва Ислам ҳамкорлик ташкилотидан ҳамда Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 46 та давлатидан 600 нафарга яқин кузатувчи кузатиб бorgan сиёсий кампания демократия талаблари асосида очик ва ошкора



ўтганининг ёркин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партиялардан 37 мингдан ортиқ кузатувчи ҳам фаол иштирок этди.

Сайловнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари низоҳатда муҳим ўрин тутди. Президент сайловини 615 миллий ва 272 хорижий оммавий ахборот воситалари, жумладан, 315 хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларининг матбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва чет элнинг 1 минг 400 нафардан ортиқ журналисти иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 матбуот анжумани ва онлайн брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 22 минг 700 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари эълон қилинди, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилди.

4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадлар йўлида — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш, юртимизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш, халқимиз учун эркин, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш борасида яна бир улкан қадам қўйганини, таъбир жоиз бўлса, мустақил тараққиётнинг янги даврига кириб бораётганини яққол намойиш этди.

МУНОСАБАТ

■ Сайловчилар, халқимиз вакили бўлган ҳар бир депутат «Мен ўзимга билдирилган юксак ишончни оқлаш учун нима қилдим?», деган саволни бериши, кейин шу асосда ўзига керакли хулосани чиқариб олиши зарур.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

одамлар ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшашининг кафолатидир

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида билдирилган танқидий-тахлилий фикрлар, халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш мақсадига илгари сурилган ғоялар, фуқароларимизни ўйлантираётган муҳим масалалар юзасидан айтилган ўткир мулоҳазалар одамларнинг юрагига етиб борди, уларни ҳаяжонга солди. Халқимизнинг келажакка ишончи янада мустаҳкамланди. Маърузада Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов бошлаб берган инсон манфаатлари устуворлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқларини сўзсиз таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилиши алоҳида қайд этилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кириб келаётган 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари» йили деб эълон қилинди. Янги йилга бундай ном берилишининг аҳамияти ва мазмун-моҳияти зиёлилар, олимлар, депутатлар, экспертлар томонидан қизғин муҳокама этилмоқда, бу ҳақда кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилляпти.



Шухрат ТУРСУНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:

— Ҳар жиҳатдан кенг қамровли, концептуал маърузада ўртага ташланган муҳим тақлифлардан бири — бу, шубҳасиз, туман ва шаҳарларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокама-сита қилишнинг тартибини жорий этиш масаласидир.

Албатта, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларнинг ўзи сайланган ҳудуднинг ижроия ҳокимияти органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши амалиётини йўлга қўйиш яхши самара беради.

Очиги, шу пайтга қадар ҳам йилнинг ҳар чорагида қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб келинар эди. Учрашувларда сайловчилар томонидан турли муаммолар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид тақлифлар муҳокама қилинарди. Бироқ уларни ўша жойнинг ўзида ҳал этиш ёки ижроия ҳокимияти органи маъсулиятини ошириш бўйича бирор аниқ механизм йўқ эди. Тўғрисини айтиш керак, биз депутатларда қатъият ва фидойилик етишмагани, таҳлиқатнинг юзига тик қарамаганимиз учун ҳам вазият шу аҳволга келиб қолди.

Агар маърузада айтилган тақлиф ҳаётга татбиқ этилиб, депутатлар 10-12 кун давомида иккита тумандаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, бу борада аниқ хулоса бериш тартиби жорий этиладиган бўлса, одамларнинг манфаатлари тўлароқ ҳимоя қилинади. Халқ билан давлат органлари ўртасида очик, ошқора мулоқот муҳити юзага келади.

Энг асосийси, халқ вакиллари, ижроия ҳокимияти органлари маъсулияти янада ортади. Қолаверса, қонунларни қабул қилиш жараёнида реал ҳаёт билан солиштириш ва энг тўғри хулосага келиш имкони туғилади.



Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси кафедра
мудир, юридик фанлар
номзоди:

— Тантанали маросимда бево-сита иштирок этган инсон сифатида шунга айтишим керакки, маърузада эътибор қаратилган энг асосий жиҳатлардан бири — бу қонунлар ижросини таъминлаш, яъни ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришдир. Кўплаб қонунлар қабул қилинаётган, барча соҳалар бўйича ҳуқуқий асослар яратила-япти. Бироқ айнан уларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳақиқатан ҳам муаммолар мавжуд. Ҳатто, қабул қилинган қонунни қўйидаги ижроичиларга етказиш билан боғлиқ камчиликлар ҳам оз эмас.

Шавкат Мирзиёевнинг маъруза-сида Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолияти талаб даража-сида эмаслиги қайд этилди. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий мада-ниятини юксалтириш, қонунлар мазмун-моҳиятини одамларга ту-шунтириш масалалари ҳам оқсаёт-ганига ургу берилди.

Ҳуқуқшунос сифатида шунга айтишим керакки, қабул қилинаёт-ган қонунга жамиятда ҳақиқатан ҳам талаб бўлса, эҳтиёж бўлса, у сўзсиз ишлайди. Кейинги масала эса бизда қабул қилинаётган акса-рият қонунлар ҳужжатлари тарғиб этилмайди. Ёки муайян доира

билан чекланиб қолинади, қўйига етиб бормайди. Қонун — бу фа-қатгина муайян қатлам тушунали-ган ҳужжат эмас, балки аҳолининг барча бўғинларига етиб борадиган тартиб-қоидалар мезони бўлиши керак.

Жамиятдаги айрим муаммолар ниманинг оқибатида юзага кела-ди? Аввало, ўз ҳуқуқини билмас-лик ёки бошқаларнинг ҳуқуқлари-ни ҳурмат қилмасликдан. Мисол учун, айрим тadbиркорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билмасликлари туфайли муаммоларга дуч келиша-ди.

Демак, биринчи навбатда, бу ма-салаларни бартараф этиш учун қонун ҳужжатлари тарғиботи ва фу-қароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилган ишлари-мизни кучайтиришимиз, янги ме-ханизмлардан самарали фойдалани-шимиз талаб этилади.

Қайси касб, қайси соҳада иш-лашимиздан қатъи назар, ёшлари-миз тарбияси ҳаммамизга тегиш-ли, ўта долзарб ва ҳаётий вазифа-дир.

Ҳўш, бу борада партиямиз фаол-лари, халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашлардаги депутатларимизнинг вазифалари нималардан иборат? Биз, ҳар бир сиёсий партия вакиллари аввало ана шу саволга жавоб беришимиз шарт.

Биринчи навбатда, партиямиз тизимида мавжуд бўлган «Жамоат-чилик қабулхоналари» ишини яна-да жонлантиришимиз, керак бўлса, тубдан қайта қўриб чиқишимиз лозим. Шу орқали одамларни ўйланти-раётган, масалаларни ўз вақтида аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш имконияти пайдо бўлади.

Умуман, одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг дардини ешитиш, сиёсий партияларнинг, жумладан, депутатларнинг энг устувор вазифа-сита айланиши зарур.

фаровон бўлади, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлади. Шу маъ-нода, маърузада таъкидланганидек, ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда банк муассасалари ҳам бу ишда янада фаол бўлиши керак.

Мамлакатимиз аҳолисининг яр-мидан кўпи қишлоқ жойларда яшай-ди. Уларнинг ҳаёт даражаси ва сиф-фатини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир. Шу сабабли маърузада бун-дан буён ҳам қишлоқ ҳўжалиги со-ҳасидаги ислохотларни чуқурлашти-ришга, ер ва сув ресурсларидан са-марали фойдаланишга, илгортехно-логияларни жорий этишга асосий эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу вазифалар халқ депутатлари Кенгаш-лари, депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

бефарқлиги бунга сабаб бўляпти.

Ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, қалбига қўлоқ солиш, дардини би-лиш, муаммоларини ечиш учун ама-лий қўмак бериш муҳим аҳамиятга эга.

Маърузада ўртага ташланган так-лиф — ҳар бир туман ҳокими ва туман ички ишлар бўлимида раҳ-барларнинг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимини жо-рий этиш аниқ мудоа бўлади. Ма-млакатимиздаги барча ёшлар, хусусан, «Истиқбол» ёшлар қанотининг 140 мингдан ортиқ аъзолари бу таклиф-ни фаол қўллаб-қувватлайди.

Биз ёшларнинг ижтимоий-иқти-содий фаолиятини оширишга қара-тилган ишларимизни тубдан кучай-тиришимиз, барча тadbирларимизни аниқ мақсадга йўналтиришимиз, эр-кин мулоқот масаласига жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.



Боймурод ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши Аҳоли бандлиги ва
ижтимоий сиёсат масалалари
бўлими мудир:

— Маърузада айтилган халқ дав-лат идораларига эмас, давлат идо-ралари халққа хизмат қилиши ке-рак, деган фикр демократик исло-хотларнинг тўқ моҳиятини очиб бе-ради. Дарҳақиқат, инсонларни рози қилиш, манфаатларини таъминлаш-да уларнинг муносабатлари билан

ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Маърузада жумладан, шундай дейилади: «Мухтасар айтганда, одамлар дардини ешитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш — аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлаш-га хизмат қилади».



Қизилгул ҚОСИМОВА,
халқ депутатлари Тошкент
вилоят Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Маърузада аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш даражасини юксалтириш, иш ҳақи, нафақа, пен-сия ва стипендиялар миқдорини ти-зимли равишда ошириб бориш ма-саласига алоҳида эътибор қарати-ди. Бу, албатта, аҳолининг яхши

яшаш, мазмунли ҳордиқ чиқариши, турли хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Аҳоли-ни иш билан таъминлаш нафақат иқтисодий, айти пайтда катта иж-тимоий аҳамиятга эга масаладир.

Чунки иши бор одамнинг ҳаёти



Умрбек БЕКТЕМИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши Ёшларнинг
ижтимоий-сиёсий фаолигини
ошириш сектори мудир:

— Ёшлар вакили бўлганим учун биз ёшларга боғлиқ фикрларни ало-ҳида ҳаяжон билан тингладим. Маъ-руза матбуотда эълон қилинган, қайта-қайта ўқиб чиқдим. Зимма-мизда жуда катта вазифалар тур-ганлигини ҳис этдим. Хусусан, уюш-маган ёшлар билан ишлаш, уларни иш билан таъминлаш, тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш диқ-қат марказида бўлиши таъкидланди. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги таҳликали даврда ёшларни йўлдан

урадиган, ўз юрти, ота-онасига қарши қайрайдиган ғаразли кучлар оз эмас. Ёшлар вакили сифатида шунга айти-шим керакки, бугунги тенглошлари-миз ўз олдига аниқ мақсад қўйган, хорижий тилларни билалдиган, шунингдек, ҳаётда юксак марралар-ни орзу қиладиган ёшлардир ва бун-га тинимсиз ҳаракат қилишмоқда.

Афсуски, ғаразли тўлапар, нопок кучлар таъсирига тушиб қолаётган тенглошларимиз ҳам йўқ эмас. Гоҳи-да ота-оналарнинг, атрофдагиларнинг

Бу — Бразилияда ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг финал жангида Озарбайжон вакили Лоренсо Сотомайорни мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритган моҳир боксчимиз Фазлиддин Гоипназаровнинг кўнглидан ўтган гаплар. Ўшанда ўзбек ўғлонига бутун дунё тан берди, ўша ҳаяжонли дамларни ҳеч қачон унутмаймиз.

ХАЛҚИМИЗНИНГ БОШ ҚЎШИҒИ

10 декабрь — Ўзбекистон
Республикасининг Давлат маҳфияси
қабул қилинган кун

Ҳўш, шунча шиддатли жангларда тани қилт этма-ган спортчиларимиз нега Давлатимиз маҳфияси ян-гадан бир зум «мушти қаттиқ, кўнгли бўш бола»-га айланиб қолади? Жавоб оддий: ўз халқи қандай буюк ишларга қодирлиги-ни инсоният олдида исбот-лаб бериш бахти. Ҳа, дунёда қўшиқлар кўп, аммо халқни бирлаштирадиган, кўлларни елкама-елка жипслаштирадиган ягона қўшиқ — Давлат маҳфияси.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов та-шаббуси билан 1992 йил 10 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат суве-реинетининг рамзидир» унга зўр эҳтиром билан қараш ҳар бир фуқароимиз-нинг ватанпарварлик бур-чидир.

Бугун маҳфиямизнинг муаззам садолари расмий таширлар чоғида, Ўзбе-кистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларини ку-тиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умум-халқ байрамларида, кўплаб йирик халқаро анжуманлар, спорт мусобақалари очи-лишида ва спортчилари-мизнинг халқаро мусоба-қаларда энг баланд шоҳ-супага кўтарилган пайтида янграмоқда.

Бу йил маҳфиямиз муси-қаси муаллифи — Ўзбеки-стон халқ артисти, атоқли композитори Мутал Бурҳонов таваллуднинг 100 йиллиги кенг нишонланди.

— Истиклолнинг даст-лабки кўнларидан Давлат маҳфияси учун танлов эълон қилинганда, дастлаб 70 ва-риант тақлиф этилган, улар сараланиб-сараланиб, яку-ний босқичда Биринчи Пре-зидентимиз, депутатлар ва халқимиз ҳозирги маҳфия-мизни қўллаб-қувватлаган, — дейди Ўзбекистон Бас-такорлар уюшмаси раи-си Рустам Абдуллаев. — Чунки маҳфиямиз мусиқаси-да улғуворлик, миллийлик, тантанаворлик, кучли ши-жоат бор. Уни тинглаганда, ўзини шу халқ, шу Ватанга мансуб санаган одам бор-ки, жангдор руҳ ва ички оҳангдорликдан қувват олиб, эл-юрт равақига ҳисса қўшишга аҳд қилади.

Давлатимиз маҳфияси матнни битган атоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов «Унутилмас Мутал акамиз» мақоласида халқ-қимизнинг бу муаззам қўшиғи ҳақида шундай ёзган эди: «Маҳфия — ти-рик ҳаёт, жонли турмуш.

У турли фикрдаги ватан-дошларни бир неча дақи-қадаёқ сўз ва оҳанг кучи билан бирлаштира олувчи буюк қудратдир».

Чиндан ҳам маҳфиямиз-даги олтимш бетакрор сўзнинг ҳар бири халқи-мизнинг асрий орзу-ар-монлари, келажакка ёруғ умиди ва мустаҳкам ишон-чини ўзида мужассам эт-ган. Ватанимиз ва халқи-мизга берилган ҳар бир таъриф узоқ йиллик умум-миллий қарашлар тизими-дан келиб чиқиб танланган, ўзига хос чуқур фалсафий маъноларни қўдалайди.

Серкўёш — юртимизда-ги бетакрор иқлим ва тан-ланган тараққиётнинг ёруғ йўли, ҳур — миллий муста-қиллик ва ривожланишнинг ўзига хос концепцияси, ҳақсевар — Ватанимиз та-барруқлиги ва адолат тан-танаси, оламни маҳлиё ай-лаганлик — бой ўтмиш, гўзаллик, юксак салоҳият ва қудрат титимолларидир.

Юртимизнинг элга бахт ва нажот бўлиши — мил-лий бутунлиқдаги тарақ-қиётни, дўстларга йўлдош ва меҳрибонлиги — халқ-аро ҳамжамиятга фаол ин-теграциялашув жараёнида ҳаммаша тинчлик ва фаро-вонлик тарафдори экани-ни аниқлатади.

Жаҳонда то абад илму фан, ижод яшнар экан, Ватанимиз шухрати ҳам мангу порлаши — улғ а-ждодларимиздан мерос буюк интеллектуал сало-ҳиятнинг авлодлар оша абадий яшаши ва амалда ўзини намоён этавериши рамзидир. Маҳфиямизда аждодларимиз — мардона руҳ эгаси, авлодлар — эр-кин ва ёш қанот тарзида таърифлангани улғ халқ қудратининг миллий неғи-зини янада ойдинроқ ифо-далайди.

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони — ҳаётимиз-ни барҳаёт, умрзоқ ва биз-ни ҳаммаша саодатга элту-вчи миллий мезонлар асо-сига қўрганлигини, ўзимиз танлаган йўлдан ҳеч қачон орта қайтмаслигимизни, бу йўлда истиқлол машъа-ла ва тинчлик посбони бўлишини аниқлатади.

...Ҳар тонгда маҳфиямиз садолари остида янги кун-га пешвоз чиқарганимиз, Ватанимизнинг бош қўшиғи тан-жонимизга она сути, алласи ва улғ аждодлари-миз ўғити билан кирган бе-мисл миллий қудрат, юксак интелект, мустаҳкам иро-дани эслатиб туради. Ва беихтиёр унга жүр бўлиб қуйлай бошлаймиз:

...Улғ халқ қудрати
жўш урган замон,
Оламини маҳлиё айла-
ган диёр!


Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ФРАКЦИЯ
ЙИФИЛИШИ

■ ЎзХДП фракцияси ҳар бир қонун лойиҳасини электорат манфаатлари ҳимояси нуқтаи назаридан кўриб чиқди.

ЭЪТИРОФ

4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови билан боғлиқ жараёнларни ёритиш учун юртимизга ташир буюрган ҳар бир журналистнинг ўзига хос таассуротлари, хулосалари бор, албатта. Исроилдаги «Окна» журнали ҳамда «Вести» газетасининг Бош муҳаррири Валерий Сердце билан бўлган суҳбатимизда ҳам бунга гувоҳ бўлдик.

«Бухоро мени
мафтун этди»

— Ўзбекистонликлар бизни юксак ҳурмат билан кутиб олди. 2 декабрь куни эса қадимий ва кўна Бухорога йўл олдик, — деди у самимийлик билан. — Мен бундан 38 йил аввал Бухорода бўлган эдим. Лекин замонавий Бухорони менинг хотирларимдагиси билан асло таққослаб бўлмайди. Чунки у пайтда Бухоро қаровсиз ҳолатда эди.

Сайлов участкаларида бўлдик, оддий одамлар даврасида аҳолий суҳбатлар, учрашувлар ўтказдик. Меҳнаткаш ва фидойи халқингиз яна бир бор меҳмондўстлиги, бағрикенглиги билан кўнглимиздан чуқур жой олди. Бухоро эса миллийликка уйғун замонавий шаҳар сифатида мени мафтун этди.

— Сайловда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун яратилган шароитлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Биласизми, «Press klub: Saylov.uz — 2016» мен тасаввур қилганимдан ҳам юқори савияда ташкил этилган. Бу ерда муҳбирлар учун барча шароит яратилган. Мониторлар, интернет тармоғи ва 20 дан ортиқ компьютер бизнинг хизматимизда бўлди. Келганимдан буён бир қанча мақола ва репортажлар чоп этишга эришдик.

Яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бу ерда конференциялар нафақат маърузалар, балки бахс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Иختисослашган олимларнинг Буюк Ипак йўли ҳамда Марказий Осиё билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий масалалардаги рағбатдор қарашлари, долзарб тақлифлари эътиборга молик, деб ҳисоблайман. Айтиш мумкинки, Пресс клубнинг ташкил этилиши юртингизни дунё билан янада яқиндан таништириш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, ахборот алмашинуви мустақамлашга хизмат қилди.

— Сайлов участкаларида бўлиб, сайловчиларнинг овоз беришдаги иштирокини кузатдингиз. Таассуротлар қандай бўлди?

— Бухоро вилоятидаги 5 сайлов участкасида бўлдик. Сайловга қадар олиб борилаётган тайёргарлик, тарғибот ишлари билан танишиб чиқдик. У ерда ҳамма нарсаси одамлар эркин овоз бериши учун тахт қилиб қўйилган. Тиббиёт хоналари, она ва бола хоналарининг ўзбек тайёргарлик ҳақида олиб чиқилган бўлиб таниш кўрсатиб турибди.

Кузатувчи бўлмасам-да, овоз бериш учун бирор-бир босим ёки қонун бузилиш ҳолатлари бўлмади, деб қизикдим. Буни қарангки, сайлов участкаларида нафақат халқро кузатувчилар, балки ҳар бир партиядан алоҳида кузатувчилар ҳам жалб қилинган экан. Мени ҳайрон қолдирган ҳолатлардан бири шуки, ёмғир ёғишига қарамастан, тонг сахардан сайловчилар овоз бериш учун навбат кутиб турганини кўрдим. Бир сўз билан айтганда, ҳолис, демократик принципларга асосланган сайлов бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон халқи жуда ҳам фаол иштирок этди.

Зилола АНВАРОВА
суҳбатлашди.

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

6 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳалари қабул қилинди.

Парламент куйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар аввалроқ тегишли тартибда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари дастлаб «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқиди. Таъкидланганидек, прокуратура органлари ходимларининг касб байрамини белгилаш прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, хизмат вазифаларининг виждонан бажарилишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этди.

Юртимизда хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоя қилишининг ишончли ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилмоқда. Хусусий



мулкни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юришти шарт-шароитларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва улар самарали амалга оширилмоқда.

Жорий йил 5 октябрь куни қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони бу йўналишдаги изчил ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

— Мазкур фармонни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектла-

зарлик содир этган тадбиркорлик субъектлари, ходимлари, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган шахсларни етказилган жавобгарликнинг барча турларидан озод этиш масалалари назарда тутилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жиноий жазони қўллашга тақиб белгиланяпти.

Мазкур ҳужжатда назарда тутилган тадбиркор хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Натижада аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш имконияти ортади. Бу, албатта, партиямиз

Юртимизда хусусий мулк
дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг
ишончли ташкилий-ҳуқуқий
механизмлари
яратилмоқда.

ри фаолиятига асоссиз аралашувлар, жиноят ишлари бўйича тафтишлар ўтказишни аниқ тартибга солишни назарда тутди, — дейди Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамажонов. — Унда молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида зарарнинг ўрни қопланган ва ҳуқуқбузарлик оқибатлари ихтиёрий равишда бартараф этилган тақдирда, биринчи марта ҳуқуқбу-

электорати манфаатларига тўлиқ мос келади.

Депутатлар «Солик ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлашди.

— Қонун лойиҳасига кўра, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Қаҳрамон Мирзаев. — Мазкур ўзгартиришлар келгуси йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг тасдиқланган концепцияларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларидаги айрим меъёрларнинг аниқлаштирилиши ва бир хил қўлланилишини таъминлаш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқдир.

Ушбу қонунлар парламент Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юбориладиган бўлди. Депутатлар, шунингдек, биринчи ўқишда муҳокама этилган «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.


— Ушбу ҳужжат лойиҳасида товар бозорларида ноқонуний рақобатга қарши янада самарали курашиш масалалари назарда тутилган, — дейди Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Гап шундаки, айрим ҳолларда интеллектуал мулк эгаларининг махсуслот белгиларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари учраб туради. Мазкур қонун лойиҳасида уларнинг ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган меъёрлар белгиланмоқда. Уларнинг амалиётга жорий этилиши тадбиркорлик субъектларига рўйхатга олинган товар белгилари тўғрисидаги ахборотлардан бемалол фойдаланиш, тегишли суд қарорларининг янада аниқ ва бир хилда ифодаланишини таъминлаш имконини беради.

Қизгин мулоҳазаларга бой тарзда ўтган йиғилишда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам электорат манфаатларидан келиб чиқиб, муҳокама этилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Президент сайловида ҳамюртларимизнинг фаоллиги ҳамда уюшқоқлик билан иштирок этиши хорижлик кузатувчилар ҳамда журналистларни лол қолдирди. Ҳамкасбларимизнинг овоз бериш жараёнлари ҳақидаги таассуротлари, оммавий ахборот воситалари учун яратилган шароитларга билдирган муносабатлари фикримизнинг далилидир.



Гулрух ОДАШБОВА

«ДУНЁНИНГ ҲЕЧ ҚАЙСИ
ДАВЛАТИДА БУНДАЙ
ТАЖРИБАНИ
КЎРМАГАНМАН»

Юзлаб хорижлик журналистларни бир жойга жамлаган Пресс клубда покистонлик ҳамкасбларимизни ҳам учратдик. Покистондаги «Election Times» газетаси Бош муҳаррири Сафеер Хусейн Шах сайлов ҳамда у билан боғлиқ жараёнлар ҳақида илиқ фикр билдирди.

— Сайлов жараёнида эътиборингизни тортган энг муҳим жиҳатлар ҳақида тўхталсангиз.

— Аввало, барчангизни муваффақиятли ўтган сайлов ва унинг натижалари билан табриклайман, — деди суҳбатдошимиз. — Дўст Ўзбекистон халқига ҳурматим чексиз. Шунини ишонч билан айта оламаники, бутун дунё ўзбекистонликларнинг бирдамлиги, жасорати ва қудратига яна бир қарар тан бермоқда. Чунки ўзининг Биринчи Президентидан айрилган халқ 90 кун ичида сайлов ўтказиши керак эди ва юртингиз ахли бу вазифани уюшқоқлик ҳамда фаоллик билан юқори савияда амалга ошира олди.

Бул Тошкентга келиб, юртингиз ҳақида эски тасаввур билан юрганимни англадим. Айниқса, Пресс клуб фаолиятини алоҳида ҳақида, деб баҳолайман. Халқро журналистлар ҳамда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан елкама-елка туриб, қизгин жараёнларни ёритиб борганимиздан мамнунман. Пресс клубда барчамизга жуда ҳам қўлай шароит яратиб берилди. Эркин ижод қилдик. Дунё ахли Ўзбекистондаги сайлов билан боғлиқ жараёнлар ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотларга эга бўлди, деб ишонаман.

— Сайлов участкаларида бўлдингиз, овоз бериш жараёнларини кузатдингиз. Қандай хулосага келдингиз?

— Сайловга ҳамда сайлов куни 15 дан ортиқ сайлов участкасига бордик. Уларнинг ҳеч бирида қонунга зид ҳолатларга йўл қўйилмаганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим: юртингизда хотин-қизлар ва ёшлар сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Қўллаб-хорижий давлатларда бўлиб ўтган сайловлар иштирокчиси сифатида аниқ айта оламани, бошқа бирор давлатда ёшлар ва аёлларнинг бундай фаоллиги кузатилмайдими.

Юқорида айтиб ўтганимдек, мен бу ерда гувоҳ бўлган анъаналарни бошқа мамлакатда учратмаганман. Ана шундай ҳайратларимдан яна бирига сабаб бўлган жиҳат ҳар бир сайловчи учун алоҳида тақлифнома-ларнинг тарқатилишидир. Уларда овоз бериш жойи, яъни сайлов участкасининг манзили аниқ кўрсатилган. Шунингдек, маълумот олиш учун 24 соат давомида ишлаб турган телефон рақамлари ҳамда бошқа зарур ахборотлар ҳам ўрин олган.

Энг муҳими, фуқароларнинг деярли барчаси сайловда иштирок этди. Муваффақиятли ўтказилган сайлов ҳамда янги давлат раҳбари билан халқингизни муборакбод этаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

«ЎЗБЕКИСТОНДА
САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК
РУҲДА ЎТДИ»

Бу хорижлик кузатувчиларнинг фикри

Лихтер Волфганг Дитмар,
Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти
миссияси аъзоси (Германия):

— Сайлов кунигача Сурхондарё вилоятида бўлдим. 9-Сурхондарё сайлов округи ва жойлардаги участка сайлов комиссиялари фаолияти билан яқиндан танишдик. Шароитларни ўргандик. Сиёсий тадбирга алоҳида тайёргарлик қўрилганига гувоҳ бўлдик. Одамлар кўтаринки кайфиятда, ёшлар чехрасида қувонч. Нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки чекка ҳудудлардаги участкалар ҳам замонавий техникалар билан таъминланган. Оналар ва болалар, тиббиёт хоналари ташкил қилинган. Кексалар ва ногиронлар алоҳида эътиборда.

Заведникова Жана,
Европада Хавфсизлик ва
Ҳамкорлик ташкилоти миссияси аъзоси (Чехия):

— Сурхондарёга биринчи марта келишим. Серкуёш воҳа мени ўзига мафтун этди. Жойларда бизни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олишди. Меҳмондўст, очикқўнғил халқингизнинг урф-одатлари билан танишишга ҳам улгурдим. Одамлар байрамонга кайфиятда. Миллат давомчилари бўлган ёшларнинг юзда эртанги кунга ишонч бора.

Сайлов ҳар жиҳатдан демократик руҳда ўтди, деб айтишим мумкин. Тили, дини ва

жинсидан қатъи назар, овоз беришда ҳеч кимга монелик қилинган йўқ. Муҳим тадбирда қўллаб-хорижлик кузатувчилар иштирок этгани жaxon Ўзбекистонга қизиқиш билдираётганидан далолат беради. Осмонни мусаффо, юрти тинч, дастурхонни тўкин элга барча-барчаннинг ҳаваси баланд. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатдаги сайлов очик, ошқора, жаҳон андозаларига мос ва хос ўтгани мени қувонтирди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдумалик ҲАЙДАРОВ
ёзиб олди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

СИЗ БИЛАН ДОИМ БИРГАМИЗ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

«Мен жамиятнинг тўлақонли аъзосиман» мавзусида бўлиб ўтган учрашувда меҳр-мурувват, одамийлик, оқибат ҳамда ўзаро ҳурмат-эътибор каби эзгу фазилатлар халқимизнинг азалий қадриятлари сифатида қадрланиши таъкидланди. Жисмоний имконияти чекланган инсонларга юртимизда яратилган шароитлар, уларни ўқитиш, касб-ҳунар ўргатиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳақида фикр юритилди.

— Партиямиз Сайловолди дастурида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат билан банд бўлишига қўмақлашиш, улар учун иқтисодлашган корхоналарни ташкил этишининг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева. — Шу боис партиямиз фаоллари ҳамда депутатлар жисмоний имконияти чекланган кишилар бандлигини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқмоқда. Биз улар билан доим биргамиз.

— Мамлакатимизда ҳамма ўз ҳоши-истакларини амалга ошириши, электорати манфаатларига тўлиқ мос келади.

Ўз мухбиримиз.

- Китоб туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонани таъмирлаш учун 4 миллиард 440 миллион сўм маблағ ажратилди.

янгидан қад ростлади, сифатли таъмирланди ва жиҳозланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Фазлиддин Аминовга отаси

Баҳодир АМИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2 4 5 6